Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 25 ноябрь, № 248 (9419) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН – ИОРДАНИЯ: МУШТАРАК МАНФААТЛАР ВА УМУМИЙ ТАРАҚҚИЁТ МАҚСАДЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Ҳусайннинг таклифига биноан 23-24 ноябрь кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.





Аммон шаҳридаги “Ал-Ҳусайния” саройида 24 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни расмий кутиб олиш маросими ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари ва рафиқасини Подшоҳ Абдулла II ибн ал-Ҳусайн ва Малика Рания ал-Абдулла самимий кутиб олдилар. Олий мартабали меҳмон шарафига тўплардан ўқ узилди. Сарой олдидаги майдонда фахрий қоровул саф тортди.

Ўзбекистон Президенти ва Иордания Подшоҳи шоҳсупага кўтарилдилар. Икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янгради. Етакчилар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар, сўнг фахрий қоровул аскарлари давлатимиз раҳбари олдидан тантанали юриб ўтди.

Кейин Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Иордания Ҳошимийлар Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Ҳусайн рафиқалари иштирокида учрашув ўтказдилар.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон делегациясига кўрсатилаётган алоҳида иззат-икром ва эътибор учун Подшоҳга самимий миннатдорлик изҳор этиб, сўнгги йилларда Иордания эришаётган улкан ютуқларни юксак баҳолади.

Олий даражадаги ташриф арафасида ташкил этилган қатор тадбирлар давлатларимиз ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши таъкидланди.

Учрашувдан сўнг икки мамлакат етакчиларини олий давлат мукофотлари билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарига Иорданиянинг олий давлат мукофоти — “Ал Ҳусайн ибн Али” ордени тантанали равишда топширилди.

Ўзбекистон Президенти ушбу юксак мукофотда нафақат икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлашга қўшган шахсий ҳиссасига берилган эътирофни, балки Иордания Подшоҳининг ўзбек халқига нисбатан чексиз ҳурмати, кўп қиррали муносабатларимиз ривожига қаратаётган улкан эътиборининг ёрқин намунасини кўришини мамнуният билан таъкидлади.

Ўз навбатида, давлатимиз раҳбари Иордания Подшоҳини мамлакатларимиз ўртасидаги яқин дўстлик муносабатлари ва ўзаро англашувни мустаҳкамлаш, сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни изчил ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси учун “Олий Даражали Дўстлик” ордени билан тақдирлади.

Таъкидланганидек, ушбу мукофот Подшоҳ Абдулла II ибн ал-Ҳусайннинг икки томонлама муносабатларни кенгайтириш йўлидаги улкан саъй-ҳаракатларига Ўзбекистон халқи ва давлати томонидан билдирилган юксак эҳтиром ифодасидир.

Иордания етакчиси бундай самимий эътироф учун Президентимизга чуқур миннатдорлик билдириб, ушбу мукофотни бутун Иордания халқига, мамлакатларимиз ўртасидаги азалий дўстлик ва мустаҳкам ҳамкорликка кўрсатилган алоҳида ҳурмат рамзи сифатида қабул қилишини таъкидлади.

Сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Ҳусайн Аммон шаҳридаги “Ал-Ҳусайния” саройида кенгайтирилган таркибда музокара ўтказдилар.

Расмий делегациялар аъзолари иштирокида ўтган учрашувда икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ва кўп қиррали алоқаларни янада ривожлантириш ҳамда ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш масалалари муҳокама қилинди.

Сиёсий мулоқотлар ва идоралараро алмашинувлар фаоллашгани, ўзаро савдо ҳамда инвестициялар ҳажми барқарор ортиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Амалий ҳамкорликнинг устувор йўналишлари сифатида савдо, инвестиция, транспорт ва логистика, тоғ-кон саноати, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, соғлиқни сақлаш ҳамда фармацевтика соҳалари кўрсатиб ўтилди.

Имтиёзли савдо битимини имзолаш, ўзаро савдо ҳажмини келгусида 500 миллион долларга етказиш масаласига алоҳида тўхталинди.

Маданий-гуманитар алоқаларни янада ривожлантириш учун маданият ва санъат ҳафталикларини ўтказиш, диний-маърифий йўналишда тажриба алмашиш, сайёҳлик соҳасини кенгайтириш, қадимий шаҳарлар ўртасида биродарлик алоқаларини ўрнатиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Қўшилмаслик ҳаракати, “Ақаба жараёни” формати ва бошқа нуфузли тузилмалар доирасида ўзаро қўллаб-қувватлаш амалиётини давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Иордания ўртасидаги анъанавий дўстлик ҳамда ўзаро ишончга асосланган муносабатларни стратегик шериклик даражасига кўтаришга қарор қилдилар.

Олий даражадаги келишувларнинг ижросини тўлиқ таъминлаш учун кенг қамровли “Йўл харитаси”ни қабул қилишга келишиб олинди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Президенти Иордания Подшоҳини мамлакатимизга ташриф билан келишга таклиф этди.

Аммон шаҳрида ўтказилган олий даражадаги музокаралар якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Иордания Ҳошимийлар Подшоҳи Абдулла II ибн Ал-Ҳусайн ҳузурида ўзаро ҳужжатларни алмашиш маросими бўлиб ўтди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЁШ АВЛОДГА МЕҲР ВА УЛАР ТАҚДИРИГА МАСЪУЛЛИК ИФОДАСИ

Акс садо

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг набирасига йўллаган мактуби юртдошларимиз қалбида кўтаринки туйғулар, теран ўй-мулоҳазалар уйғотди. Зеро, унда бир бобонинг набирасига беқиёс меҳри, соғинчи, эзгу тилаклари билан бирга бутун бир авлоднинг тақдири, унинг бугуни ва эртаси ҳақидаги самимий қайғуриш мужассам.

Мактуб газетамизда эълон қилингач таҳририятимизга турли касб ва ёшдаги муштарийлардан кўплаб телефон қўнғироқлари бўлди, хатлар келишда давом этмоқда. Уларда боболик меҳридан таъсирланиш, давлатимиз раҳбарининг ёш авлод келажаги ҳақидаги қарашларини қўллаб-қувватлаш, айни чоғда фарзанд тарбиясига дахлдорлик ва масъулият ҳисси яққол сезилади.

Махсус саҳифамизда ана шундай муносабатлардан айримларини ўқувчилар эътиборига ҳавола этамиз.

3-саҳифага қаранг.

Анжуман

МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ САРИ ДАДИЛ ОДИМЛАР

«Янги Ўзбекистон зиёлилари — миллий юксалиш таянчи» шиори остида бўлиб ўтган Ўзбекистон зиёлилари кенгаши йиғилиши ўз ишини якунлади

Икки кун давом этган анжуманда илм-фан, таълим, маданият ва санъат намояндалари, адиблар, ижодкорлар, жамоатчилик вакиллари иштирокида мамлакатимиз тараққиётининг энг муҳим масалалари кенг муҳокама қилинди. Якунда Ўзбекистон зиёлилари кенгашининг Аҳдномаси ҳамда Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси қабул қилинди.

Йиғилиш давомида билдирилган фикрларда зиёлилик тушунчасига алоҳида эътибор қаратилди. Зиёли бўлиш фақат илмий даража, унвон, лавозим ёки муайян соҳада эришилган ютуқлар билан чекланмаслиги, балки инсоннинг жамият олдидаги масъулияти, мустақил фикри, фуқаролик позицияси ва халқ манфаатларига садоқати билан намоён бўлиши таъкидланди.

Дарҳақиқат, зиёли жамиятдаги жараёнларни кузатувчи эмас, балки уларнинг мазмунига таъсир кўрсатувчи, муаммоларга илмий ва холис баҳо берадиган, одамларни билим, тафаккур ва эзгу ғоялар атрофида бирлаштирадиган шахсдир. Унинг сўзи жамиятда фикр уйғотиши, фаолияти эса амалий натижа бериши керак. Ўзбекистон зиёлилари кенгашининг йиғилиши айнан шу масъулиятни яна бир бор кун тартибига олиб чиқди.

Ҳудудларда ўтказилган учрашувлардан тортиб республика миқёсидаги муҳокамаларгача бўлган жараёнда турли авлод вакиллари, турфа соҳалар мутахассислари ва ижод аҳли қатнашгани фикрлар хилмахиллиги ва умумий мақсад муштараклигини намоён қилди.

Аҳдномада зиёлиларнинг давлат ва жамият тараққиётидаги иштирокини кучайтиришга қаратилган 15 та муҳим йўналиш белгилаб берилди. Ҳужжатда зиёлилар фаолияти анъанавий илм-фан ва таълим соҳалари билан чекланмасдан жамият олдида турган иқтисодий, технологик, экологик, ижтимоий ва маънавий муаммоларни ҳал этишда уларнинг интеллектуал салоҳиятидан самарали фойдаланиш масаласига кенг ўрин берилган.

2

ПАХТА-ТЎҚИМАЧИЛИК СОҲАСИДАГИ АЛОҚАЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАДА



Ўзбекистонда пахта-тўқимачилик тармоғини барқарор ривожлантириш, халқаро стандартларни жорий этиш, фермерлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда соҳада шаффофликни таъминлашга катта эътибор берилмоқда.

Ҳамкорлик

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева “BCI” (Better Cotton Initiative) халқаро нотижорат ташкилотининг бош операцион директори Лена Стаафгард бошчилигидаги делегация билан айни шу мавзуда учрашув ўтказди.

Мулоқот чоғида мамлакатимизда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида пахтачилик соҳасида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар, хусусан, мажбурий меҳнатга барҳам бериш, иш-фаолият ҳуқуқларини таъминлаш ва халқаро талабларга мос ишлаб чиқариш тизимини шакллантириш борасида эришилган натижалар қайд этилди.

Бундан ташқари, “BCI” дастурининг Ўзбекистондаги қамрови кенгайиб бораётгани ижобий баҳоланди. Жорий йилда дастур иштирокчилари сони икки баробар ошгани қайд этилиб, сертификатлаштириш тизимини ривожлантириш ҳамда халқаро стандартларни миллий тизимга интеграция қилиш бўйича ҳамкорликни кучайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, фермерларнинг ҳуқуқий кафолатларини янада мустаҳкамлаш, нарх белгилашда шаффофликни таъминлаш, молиялаштириш имкониятларини кенгайтириш ва экологик барқарор технологияларни жорий этиш борасида ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Мазкур йўналишда қўшма ишчи гуруҳ тузиш ва тегишли “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш, маҳсулотларнинг ишлаб чиқаришдан истеъмолчигача бўлган ҳаракатини кузатишга мўлжалланган “TRACE” ва “UZ TRUST” рақамли тизимларини жорий этиш масалаларига эътибор қаратилди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ЮРТ РАВНАҚИ ВА ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИНГ МУСТАҲКАМ КАФОЛАТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда суғориш технологияларини жорий этишни кенгайтириш, божхона маъмуриятчилиги ва ташқи савдо тартиб-таомилларини янада соддалаштириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, мактабгача ва мактаб таълими тизими интеграциясини таъминлаш ҳамда маъмурий судлар ваколатларини кенгайтиришга қаратилган қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.



Суғориш технологиялари кенг жорий этилади

Мажлисда “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига қўшимча киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалигида тежамкор суғориш технологияларини кенг жорий этиш, ушбу йўналишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган ишлар изчил амалга оширилмоқда.

4

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 25 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН — ИОРДАНИЯ: МУШТАРАК МАНФААТЛАР ВА УМУМИЙ ТАРАҚҚИЁТ МАҚСАДЛАРИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусан, Ўзбекистон ва Иордания ўртасида икки томонлама муносабатлар ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш тўғрисида қўшма баёнот қабул қилинди ҳамда Стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги битим имзоланди. Ушбу давлатлараро ҳужжатлар мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишга қаратилган.

Шунингдек, имтиёзли савдо, жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам, маданият ва маданий ижодкорлик саноати, миллий кутубхоналар, ҳужжатлар ва архивлар, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, энергетика ҳамда сув ресурсларини бошқариш соҳаларида битимлар ва англашув меморандумлари имзоланди.

Бундан ташқари, иқтисодий дипломатия, тоғ-кон саноати ва геология, уй-жой қурилиши ва шаҳарсозликни ривожлантириш, рақамлаштириш ва ахборот технологиялари, озиқ-овқат ва дори-дармон маҳсулотларини назорат қилиш, соғлиқни сақлаш хизматлари ҳамда чорвачилик йўналишларида ҳамкорликни кенгайтириш бўйича келишувларга эришилди.

Минтақалараро алоқаларни ривожлантириш мақсадида Тошкент ва Аммон шаҳарлари, шунингдек, Самарқанд шаҳри ва Петра туризм минтақаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар алмашилди.

Давлат ташрифи доирасида жами 19 та икки томонлама ҳужжат қабул қилинди ва имзоланди. Ушбу муҳим келишувлар Ўзбекистон ва Иордания ўртасида стратегик шерикликни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни янада кенгайтириш ҳамда ўзаро манфаатли қўшма лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Иорданияга давлат ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Аммон шаҳрида ташкил этилган "Ўзбекистон — Иордания" кўргазмасига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбарига Иордания Хошимийлар Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Ҳусайн ҳамроҳлик қилди.

Кўргазмада икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик салоҳияти, тоғ-кон саноати ҳамда геология, кимё, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат, транспорт ва логистика, электротехника, тўқимачилик, фармацевтика ҳамда мудофаа саноати каби устувор йўналишларга бағишланган бўлимлар ташкил этилган.

Етакчиларда барча тармоқлар бўйича Ўзбекистон ва Иорданиядаги истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳам тақдимот қилинди. Бу икки мамлакат инвесторларига сармоя киритиш мумкин бўлган манфаатли лойиҳалар билан бевосита танишиш имконини берди.

Стендларда минерал хомашё ва базальт маҳсулотлари, ўғитлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, калава ип, мато ва тайёр кийимлар ҳамда дори воситалари намуналари намойиш қилинмоқда.

Икки мамлакат йирик компаниялари вакиллари қўшма лойиҳаларнинг амалга оширилиши юзасидан ахборот берди.

Кўргазма Ўзбекистон ва Иорданиянинг етакчи корхоналари ўртасида кооперацияни мустаҳкамлаш, илғор тажриба ва замонавий технологиялар алмашинувини кенгайтиришга хизмат қилиши қайд этилди.

Сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон — Иордания бизнес форумининг очилиш маросимида иштирок этди.

Тадбирда икки мамлакат ҳукуматлари аъзолари, етакчи компаниялари раҳбарлари ва ишбилармон доиралари вакиллари қатнашди.

Форумда Иордания Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Ҳусайн ҳамда мамлакат Саноат палатаси раиси Фатҳи ал-Жағбир ҳам сўзга чиқдилар.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида ўтган йили Иордания Подшоҳининг Самарқандга амалга оширган тарихий ташрифи икки томонлама муносабатларда янги саҳифа очганини алоҳида таъкидлади.

Олий ва юқори даражадаги фаол мулоқотлар натижасида иқтисодий ҳамкорлик кўлами изчил кенгайиб бормоқда. Сўнгги беш йилда ўзаро савдо ҳажми қарийб 9 баробар, биргина 2025 йилда 80 фоизга ошди. Мамлакатимизда иорданиялик инвесторлар иштирокидаги 20 дан ортиқ корхоналар фаолият юритмоқда.

Тошкент ва Аммон ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновлар йўлга қўйилиб, ўзаро визасиз тартиб жорий этилди. Ҳукуматлараро комиссия ва Ишбилармонлар кенгашининг илк йиғилишлари муваффақиятли ўтказилди.

Давлат ташрифи доирасида Имтиёзли савдо тўғрисидаги битим имзолангани мамнуният билан қайд этилди. Ҳужжат 300 турдаги товарга нисбатан пасайтирилган божхона божлари ставкаларини қўллашни назарда тутади.

Президентимиз ушбу битим ўзаро маҳсулот етказиб бериш ҳажмини сезиларли даражада ошириш, товар айирбошлаш кўрсаткичини 500 миллион долларга етказиш учун мустаҳкам замин яратишига ишонч билдирди.

Мамлакатимиз етакчиси бизнес-форум доирасида салмоқли шартнома ва келишувлар имзоланганини олқишлаб, иқтисодий шерикликни кенгайтиришнинг бешта устувор йўналишига тўхталди.

Биринчиси — тўқимачилик саноати. Ўзбекистон хомашёси ва яримтайёр маҳсулотлари асосида Ақаба махсус иқтисодий зонасида қўшма ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, тайёр маҳсулотларни учинчи мамлакатлар бозорларига биргаликда экспорт қилиш таклиф этилди.

Иккинчиси — тоғ-кон саноати. Иорданиялик инвесторлар муҳим минераллар соҳасида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун Тошкент ва Самарқандда ташкил этилаётган "Келажак металлари" технопарклари ҳамкорлик қилишга таклиф этилди.

Учинчиси — фармацевтика саноати. Янги турдаги фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришни биргаликда маҳаллийлаштириш ва илғор технологиялар трансферини йўлга қўйиш муҳимлиги қайд этилди. Бу борада иорданиялик шериклар учун "Tashkent Pharma Park" кластерида зарур шароит ва имтиёзлар яратилиши таъкидланди.

Тўртинчиси — кимё саноати. Икки мамлакатнинг мавжуд имкониятларини бирлаштирган ҳолда рақобатбардош минерал ўғитлар ишлаб чиқариш истиқболлари кўрсатиб ўтилди. Озуқа қўшимчалари, маиший кимё маҳсулотлари ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқариш бўйича эришилган келишувлар олқишланди.

Бешинчиси — қишлоқ хўжалиги. Қўшма агросаноат кластерларини ташкил этиш, уруғчилик, боғдорчилик ва чорвачиликни ривожлантириш орқали икки мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга салмоқли ҳисса қўшиш мумкинлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари туризм соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш учун ҳам катта имкониятлар мавжудлигини қайд этди. Ўзаро визасиз тартиб ва бевосита авиақатновлар сайёҳлар оқимини кўпайтириш учун қулай шароит яратаётгани таъкидланди.

Президентимиз иорданиялик дўстларни ислом оламининг буюк тарихий ва маънавий марказлари бўлмиш қадимий Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларини зиёрат қилишга таклиф этди.

Форум доирасида ишбилармон доиралар вакиллари ўртасидаги учрашувларда чарм саноати, телетиббиёт, озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари, электротехника ва логистика соҳаларида ҳам қўшма лойиҳаларни амалга ошириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Иорданиялик ишбилармонлар юртимизда яратилган қулай инвестиция муҳити, эркин иқтисодий зоналар фаолияти ва саноат кооперацияси имкониятлари билан яқиндан таништирилди.

Келгуси йилнинг март ойида Тошкент шаҳрида навбатдаги Ўзбекистон — Иордания бизнес форуми ўтказилиши маълум қилинди. Давлатимиз раҳбари иорданиялик шерикларни ушбу тадбирда янги таклиф ва ташаббуслар билан фаол иштирок этишга, мамлакатимиз тадбиркорларини эса Иордания бозоридаги имкониятлардан кенг фойдаланишга чақирди.

Эришилган келишувлар ва қўшма лойиҳалар ижроси Ҳукуматлараро комиссия доирасида мунтазам мониторинг қилиб борилиши белгиланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Иордания Хошимийлар Подшоҳлигига давлат ташрифи якунланди.

Малика Алия номидаги халқаро аэропортда Ўзбекистон етакчиси ва рафиқасини Иордания Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Ҳусайн кузатиб қўйди.

Марказий Осиё ва Яқин Шарқ минтақалари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи ушбу тарихий ташриф доирасида эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш, ўзаро манфаатли қўшма лойиҳаларни изчил амалга ошириш ҳамда дўст халқларимиз фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

ЎзА.

Сенат қўмиталарида

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ЭЪТИБОР ВА ЭЪЗОЗДА

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари ҳамда Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмиталарининг қўшма мажлисида Шарқий ҳарбий округда муддатли ҳарбий хизматчиларни касб-ҳунарга ўқитиш ва олий таълимга тайёрлаш бўйича яратилган шарт-шароитлар кўриб чиқилди.

Мазкур масала 2 — 5 ноябрь кунлари Сенат аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар вакилларидан иборат ишчи гуруҳ томонидан Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларидаги ҳарбий қисмларда ўрганилган эди.

Қайд этилганидек, Шарқий ҳарбий округдаги ҳарбий қисмларга 58 та техникум бириктирилган бўлиб, 3 700 дан ортиқ муддатли ҳарбий хизматчилар 20 та касб йўналиши бўйича таълим олмоқда.

Мониторинг давомида аскарларни касб-ҳунарларга йўналтириш, олий таълим муассасаларига киришга тайёрлаш масалаларига, шунингдек, ўқув-моддий базанинг ҳолати ҳамда масофавий таълим олиш учун яратилган шароитларга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларидаги ҳарбий қисмларда касб-ҳунарларга ўқитиш учун янги ўқув бинолари ва павильонлар ташкил этилган. Шунингдек, жорий йилда 176 нафар аскар олий ўқув муассасаларининг масофавий таълим шаклига қабул қилиниб, уларнинг таҳсил олиши учун зарур шароитлар яратилган.

Ўрганиш давомида касб-ҳунарларга ўқитишда зарур жиҳозлар бўлишини таъминлаш, педагогларнинг транспорт харажатларини молиялаштириш, ўқув машғулотлари учун маблағ ажратиш, ҳарбий хизматчиларга таълим кредитлари бериш билан боғлиқ айрим муаммо ва камчиликлар аниқлангани қайд этилди.

Мазкур камчиликларни бартараф қилиш, касб-ҳунарларга ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш, масъул вазирлик ва идоралар ўртасида ҳамкорликни кучайтириш, ҳарбий хизматчиларнинг таълим олиш имкониятларини кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Қўшма мажлис якунида ўрганиш натижалари ҳамда билдирилган таклифлар асосида аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган қўмиталарнинг қўшма қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ САРИ ДАДИЛ ОДИМЛАР

1 Жумладан, университетлар ва илмий-тадқиқот муассасаларининг давлат дастурлари, ижтимоий аҳамиятга молик қарорлар ва ислоҳотларни илмий баҳолашдаги иштирокини кенгайтириш, интеллектуал эркинлик ва касбий мустақилликни ҳимоя қилиш, жамиятда холис фикр ва экспертлик маданиятини ривожлантириш вазифалари белгиланди.

Аҳдномада ёш авлод тарбияси, миллий қадриятлар ва умуминсоний тамойиллар уйғунлиги, она тилимиз ва миллий адабиётни ривожлантириш, китобхонлик маданиятини юксалтириш, тарихий хотира ва маданий меросни асраш каби масалалар ҳам устувор вазифалар сифатида қайд этилди. Айниқса, архив ҳужжатлари, қўлёзма манбалар ва тарихий обидаларни илмий ўрганиш, уларни муҳофаза қилиш ва рақамлаштириш, миллий санъат, театр, кино ва ҳунармандчиликни замонавий имкониятлар асосида ривожлантиришга доир вазифалар диққатга сазовор.

Бугун инсоният тараққиёти сунъий интеллект, рақамли технологиялар, биотехнологиялар ва катта маълумотлар таҳлили билан боғлиқ янги босқичга кирмоқда. Бу жараён илм-фан ва таълим тизими олдига ҳам янги вазифалар қўймоқда. Анжуманда мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Аҳдномада сунъий интеллект ва рақамли технологиялардан масъулиятли фойдаланиш, медиасаводхонлик ва танқидий фикрлаш кўникмаларини ошириш, ахборот манипуляцияларига қарши маърифий иммунитетни шакллантириш, болаларнинг рақамли хавфсизлигини таъминлаш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш вазифалари белгиланди.

Йиғилишда илм-фан ва инновацияларни мамлакат ҳамда ҳудудларнинг аниқ эҳтиёжларига йўналтириш, тадқиқот муассасалари, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, сув ва энергия ресурслари, экология, аҳоли саломатлиги каби соҳаларда фанлараро изланишларни кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Яна бир муҳим жиҳат — илмий ҳалоллик ва тадқиқот этикаси масаласи. Плагиат, сохта илмий натижалар ва асоссиз хулосаларга муросасиз муносабатда бўлиш, очиқ илм-фан тамойилларини ривожлантириш зиёлиларнинг касбий ва маънавий бурчи сифатида қайд этилди.

Йиғилиш якунида Ўзбекистон халқига Мурожаатнома ўқиб эшиттирилди. Унда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни изчил давом эттириш, миллий бирлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, илм-маърифатни юксалтириш, ёш авлодни замонавий билим ва мустақил тафаккур асосида тарбиялаш масалаларига алоҳида урғу берилди.

Мурожаатномада келгуси ўн йилликнинг миллий юксалиш даври сифатида белгилангани, бу мақсад йўлида еттита миллий дастурни амалга ошириш вазифасига ҳам эътибор қаратилди. Ушбу дастурларнинг ҳаётга татбиқ этилишида зиёлилар давлат ва жамиятнинг муҳим таянчи бўлиши кераклиги айтилди. Стратегик прогнозлаш, мамлакатнинг узоқ муддатли тараққиётига таъсир қилувчи технологик, демографик, ижтимоий-сиёсий ва экологик тенденцияларни олдиндан баҳолаш масалаларига эътибор қаратилгани ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бу зиёлиларнинг фақат бугунги муаммоларга эмас, балки келажакда юзага келиши мумкин бўлган чақириқларга ҳам илмий асосланган ечимлар таклиф этишини тақозо қилади.

Ўзбекистон зиёлилари кенгашининг йиғилиши миллий юксалишнинг мустаҳкам пойдевори билимли авлод, юксак маънавият, мустақил тафаккур ва умумий масъулият эканини яна бир бор намоён этди.

Сўз — анжуман иштирокчиларига

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, ёзувчи:



— Зиёлилар кенгаши олдига қўйилаётган вазифалардан кутилаётган энг муҳим натижа жамиятнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтириш, мамлакатда ҳақиқий зиёлилик муҳитини шакллантиришдир. Ўзбек зиёлиларининг салоҳияти, тафаккури ва билим даражаси бугунги давр талабларига муносиб. Энг муҳими, халқимиз дунёга ўзининг интеллектуал имкониятлари, илм-фани ва маънавий бойлиги билан танилиши керак. Бу йўлда зиёлилар нафақат ўз билим ва тажрибаси, балки фаол фуқаролик позицияси, ташаббускорлиги ва шахсий намунаси билан ҳам жамиятга таъсир кўрсатиши лозим.

Иқбол МИРЗО, Ўзбекистон халқ шоири, «Жадид» газетаси бош муҳаррири:



— Кейинги йилларда зиёлилар ўзларининг жамиятдаги етакчилик мавқеини бир қадар бой бергандек. Аслида бизда миллатнинг пешқадамлари доимо зиёлилар бўлиб келган. Афсуски, кейинги пайтларда ижтимоий тармоқлар ва бошқа омиллар таъсирида жамият эътибори бошқа тоифаларга кўпроқ қаратила бошлади. Натижада зиёлиларнинг овози, таъсири ва жамоатчилик олдидаги мавқеи бир қадар сусайди. Менимча, энди бу мавқени қайта тиклаш вақти келди.

Жадид боболаримиз ўз ҳаёти ва фидойилиги билан ўзбек зиёлиси қандай бўлиши кераклигини бутун халққа кўрсатиб берган. Зиёли — халқ тақдири учун масъулиятни ҳис қиладиган, жамиятни тўғри манзилга бошлай оладиган шахс. Ўйлайманки, анжуман ана шу масъулиятни яна бир бор англаш, зиёлиларнинг жамиятдаги етакчилик мақомини тиклаш йўлида муҳим қадам бўлади. Бу борадаги эзгу ниятларимиз амалий ишлар билан мустаҳкамланишига ишонаман.

Тоҳир САИДОВ, Ўзбекистон халқ артисти:



— Зиёлилар кенгашининг ташкил этилиши, аввало, жамиятимизда фикр ва тафаккур соҳибларини бир мақсад атрофида бирлаштиришга хизмат қилади. Бугун мамлакатимиз тараққиёти, Янги Ўзбекистоннинг келажаги ҳақида гап кетар экан, бу жараёнда зиёлиларнинг ўрни ва масъулияти беқиёс. Чунки жамиятни олдинга бошлайдиган куч — билим, тажриба, маърифат ва муштарак мақсад. Зиёлилар бирлашса, уларнинг фикри ва салоҳияти халқ манфаати, юрт равнақи йўлида катта кучга айланади.

Дилором КАРИМОВА, Ўзбекистон халқ артисти:



— Ушбу учрашувлар, муҳокамалар ва фикр алмашинувлар ҳар бир зиёлига ўзининг жамият олдидаги бурчи ва масъулиятини яна бир бор эслатади. Зиёлилик фақат муайян соҳа вакиллиги ёки илмий даража билан белгиланмайди. У, аввало, халқ ва Ватан тақдирига дахлдорлик, юрт келажаги учун қайғуриш, ўз билими ва тажрибасини эл манфаатига сафарбар этишдир. Биз бугунги фаолиятимиз билан келажак авлодлар олдида ҳам масъулмиз. Шу боис ҳар биримиз ўз соҳамизда сидқидилдан меҳнат қилиб, мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишимиз керак.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида

АСОСИЙ ҚОНУНГА МУВОФИҚЛИК КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

17 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 324^{39}-моддаси олтинчи қисмининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28, 54 ва 55-моддаларига мувофиқлигини аниқлаш тўғрисидаги ишни кўриб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил Конституциявий судга мурожаат этиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 324^{39}-моддаси олтинчи қисмининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28, 54 ва 55-моддаларига мувофиқлигини аниқлашни сўраган. Шунингдек, "LAWFULL" адвокатлик фирмаси адвокати А. Раҳимов (фуқаро F. Абдураҳматовнинг манфаатида) ва фуқаро А. Калжановнинг Конституциявий судга мурожаатларида ҳам Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 324^{39}-моддаси олтинчи қисмининг Конституциянинг 28, 54 ва 55-моддаларига мувофиқлигини текшириш сўралган.

Конституциявий суд мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Адвокатлар палатаси вакиллари, Одил судлов академияси, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, Тошкент давлат юридик университети, Жамоат хавфсизлиги университети, Юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти вакиллари ҳамда Конституциявий суд Илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари қатнашди.

Мурожаат муаллифларининг фикрича, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 324^{39}-моддаси олтинчи қисмидаги Конституцияга мувофиқлиги текширилиши керак бўлган норма ***"Ишни тафтиш тартибида кўриб чиқиш натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан чиқарилган қарор узил-кесилдир"*** деган қоидадир.

Конституциявий суд иш материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги ҳуқуқий асосларга кўра мурожаатчиларнинг "мазкур норма Ўзбекистон Республикаси Конституцияси принципларига мувофиқ эмас" каби важларига қўшилиб бўлмайди деган хулосага келган:

— Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш натижаси юзасидан қарори узил-кесил деб белгиланиши шахснинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқини чекламайди. Чунки иш тафтиш тартибида кўрилгунга қадар шахс ўз ҳуқуқларини биринчи, апелляция ёки кассация инстанцияси судларида тўлиқ ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлади;

— тафтиш инстанцияси қарорининг узил-кесиллиги қонунда назарда тутилган алоҳида ҳолларда — янги очилган ҳолатлар бўйича суд ҳужжатини қайта кўриб чиқиш имкониятини истисно этмайди;

— Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг маъмурий ҳуқуқбузарлик ишини тафтиш тартибида кўриб чиқиш натижаси юзасидан қабул қилинган қарорининг узил-кесиллиги суд ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш босқичи ниҳоясига етганини англатади. Ушбу қоида ҳуқуқий аниқликни ва суд ҳужжатларининг барқарорлигини таъминлашга қаратилгани аҳамиятга молик принципдир. Зеро, суд ҳужжатларини чексиз равишда қайта кўриб чиқиш имконияти одил судлов самарадорлиги ва ҳуқуқий муносабатлар барқарорлигига путур етказади.

Шунингдек, мурожаатчилар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 324^{37}-моддаси биринчи қисмига кўра, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги иш Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида судья томонидан тафтиш инстанциясида якка тартибда кўриб чиқилиши — бир судьянинг субъектив хатоси ёки нотўғри ҳуқуқий талқини адолатли қарор қабул қилинишига таъсир этиши мумкин, деган фикрни билдиришган.

Конституциявий суд бу важларга ҳам қўшилмаган ва қуйидаги изоҳларни келтирган:

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида суд иш юритувининг муайян инстанциялар тизими ёки айрим тоифадаги ишларни юқори суд инстанцияларида коллегиал ёки якка таркибда кўриш шартлиги ҳақида норма белгиланмаган. Суд қандай таркибда иш кўриши тегишли процессуал қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Конституциянинг 131-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида суд тизими ва судлар фаолиятининг тартиби қонун билан белгиланади. Конституциянинг 136-моддасига мувофиқ судьялар мустақилдир, фақат Конституция ва қонунга бўйсунади. Судьяларнинг одил судловни амалга оширишга доир фаолиятига ҳар қандай тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни тафтиш инстанциясида якка тартибда кўраётган Олий суд судьяси берилган шикоят важларини текшириш билан чекланиб қолмай, балки қонунийлик манфаатларини кўзлаб, унга илова қилинган қўшимча материаллар билан бирга маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни тўлиқ ҳажмда текширади. Шундай экан, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида судья томонидан якка тартибда кўриб чиқилиши одил судлов принципларини бузмайди.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни якка тартибда кўраётган судья мустақил ва холис позицияни эгаллаши, ишнинг барча ҳолатларини ҳар томонлама, тўлиқ ва объектив ўрганиши, далилларга қонунга қатъий риоя қилган ҳолда ўз ички ишончи асосида баҳо бериши ҳамда бартараф этиб бўлмайдиган шубҳаларни шахс фойдасига талқин қилиши шарт. Қонун судья зиммасига ҳуқуқбузарлик содир этилган-этилмаганлигини, шахснинг айби исботланганлигини, жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжудлигини аниқлаш мажбуриятини юклайди. Шу боис маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишнинг якка тартибда кўрилиши ва узил-кесил қарор қабул қилиниши айбсизлик презумпциясига зид эмас.

Конституциявий суд муҳокама этилган масала юзасидан халқаро стандартларни ҳам таҳлилдан ўтказди. Жумладан, Европа ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари тажрибасини ҳам ўрганган. Хусусан, БМТ томонидан 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 14-моддаси 1-бандида ҳар ким қонун асосида ташкил этилган ваколатли, мустақил ва холис суд томонидан ишининг адолатли ва ошкора кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамланган.

Конституциявий суд якуний қарорга келишдан аввал тегишли давлат органлари, Адвокатлар палатаси вакиллари, мутахассис олимлар ҳамда Конституциявий суд ҳузуридаги Илмий-маслаҳат кенгаши аъзоларининг фикрларини ҳам эътиборга олган.

Юқорида баён этилганларга асосланиб Конституциявий суд Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 324^{39}-моддаси олтинчи қисми Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28, 54 ва 55-моддаларига мувофиқ деган хулосага келди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қарорининг тўлиқ матни Конституциявий суднинг расмий веб-сайтида, шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами" ва Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базасида эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди.

Ўзбекистон 1 — 5 декабрь кунлари олий таълим муассасаларининг бакалавриат босқичи талабалари ўртасида ўтказиладиган кимё фани бўйича Абу Райҳон Беруний номидаги халқаро олимпиадага мезбонлик қилади.

ЁШ АВЛОДГА МЕҲР ВА УЛАР ТАҚДИРИГА МАСЪУЛЛИК ИФОДАСИ

Умримни элу юрт хизматига бахш этишдан, бир лаҳза бўлсин, афсусланмадим. Ҳаётда чиқарган энг катта хулосаларимдан бири шуки, бу дунёда миллатнинг дардига дармон бўлишдан кўра аъло ва афзал иш йўқ.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ИҚТИДОРНИ УЙҒОТИШ — КЕЛАЖАККА ЭНГ КАТТА САРМОЯ

Рустам ХОЛМУРОДОВ,
Самарқанд давлат университети ректори, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Олий Мажлис Сенати аъзоси:



— Президентимизнинг набирасига йўллаган мактубини ўқирканман, бир неча бор тўхтаб, ундаги фикрлар устида мушоҳада қилдим. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг фарзандларимиз иқтидорини ўз вақтида уйғотиш, уни авайлаб парваришлаш ҳақидаги мулоҳазалари таълим соҳасида фаолият юритаётган инсон сифатида менга чуқур таъсир қилди.

Мактубдаги самимий боболик меҳри, албатта, ҳар қандай инсонни тўлқинлантиради. Бироқ мен унда яна бир муҳим жиҳатни кўрдим: набирасига мурожаат қилаётган бобо тимсолида ёш авлоднинг интеллектуал камолоти ҳақида қайғураётган давлат раҳбарининг орзу-интилишлари ҳам намоён бўлади.

Президентимиз мактубда буюк аждодларимиз — Имом Бухорий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Маҳмудхўжа Беҳбудий сингари улуғ зотларимизни ёдга олади. Бу номларнинг тилга олиниши шунчаки тарихий хотира ёки миллий ифтихор ифодаси эмас. Уларнинг ҳаёти ва илмий-маънавий мероси орқали бугунги авлоднинг имкониятларига ишонч билдирилмоқда. Зеро, буюк алломаларни вояга етказган заминда бугун ҳам улкан истеъдод соҳиблари туғилмоқда. Масала уларни ўз вақтида кашф этиш, қобилиятига муносиб йўл очиш ва камол топиши учун зарур муҳитни яратишдадир.

Мактубдаги ***“Фақатгина бу фарзандларимизнинг иқтидорини вақтида уйғотиб, парваришлай олсак бас”*** деган сўзлар мен учун алоҳида аҳамият касб этди. Дарҳақиқат, иқтидор — бебаҳо неъмат. Аммо унинг ўзи етарли эмас. Истеъдод эътибор, меҳнат, тўғри йўналиш ва муносиб шароит билан ривожланади. Баъзан чекка қишлоқдаги оддий оила фарзандида улкан олим, кашфиётчи ёки ижодкорлик салоҳияти яширинган бўлади. Агар унинг қобилияти ўз вақтида пайқалмаса, бу фақат бир боланинг эмас, бутун жамиятнинг бой берилган имкониятига айланиши мумкин.

Шу маънода, Президентимизнинг иқтидорни парваришлашни боғбон меҳнатига қиёслаши ниҳоятда ҳаётий. Боғбон ниҳолнинг эртанги мевасини ўйлаб, йиллар давомида меҳнат қилади. Таълим-тарбия ҳам худди шундай сабр, изчиллик ва фидойиликни талаб этадиган жараёндир.

Бугун биз университетларда истеъдодли ёшлар билан ишлаш, уларнинг илмий изланишларини қўллаб-қувватлаш, халқаро таълим ва тадқиқот муҳитига кириб боришига кўмаклашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратишимиз зарур. Аммо бу жараён олий таълим босқичидан бошланмаслиги керак. Иқтидорни кашф этиш болаликдан, ҳатто мактабгача таълим давридан бошланади.

Яна бир муҳим жиҳат — замонавий билимларни эгаллаш маданияти. Президентимиз мактубда гаджетлар ва сунъий интеллект имкониятларидан оқилона фойдаланиш, бироқ уларга қарам бўлиб қолмаслик ҳақида насиҳат қилади. Бу фикр бугунги таълим тизими учун ғоят долзарб. Чунки сунъий интеллект инсоннинг билим олиш, изланиш ва ижод билан шуғулланиш имкониятларини кенгайтираётган бўлса-да, у мустақил тафаккурнинг ўрнини босмаслиги керак. Тайёр жавобни топиш билан масаланинг моҳиятини англаш, маълумотни такрорлаш билан янги ғоя яратиш ўртасида катта фарқ бор. Биз ёшларга фақат замонавий технологиялардан фойдаланишни эмас, балки савол қўйишни, шубҳа қилишни, таҳлил этишни, далиллар асосида хулоса чиқаришни ҳам ўргатишимиз лозим.

Шу ўринда ўзимизга савол беришимиз керак: биз, олимлар, профессор-ўқитувчилар, зиёлилар ёшларнинг иқтидорига муносиб эътибор қаратяпмизми? Уларни янгилик яратишга руҳлантиряпмизми? Президентимизнинг мактуби мен учун ана шу масъулиятни яна бир бор теран ҳис этишга туртки бўлди. Бугун бир боланинг қалбида илмга муҳаббат уйғота олсак, эртага унинг кашфиёти бутун миллатга хизмат қилиши мумкин. Бир ёшнинг истеъдодини асраб қолсак, келажакнинг буюк олими ёки мутафаккирига йўл очган бўламиз. Демак, фарзандларимиз иқтидорини парваришлаш — фақат таълим соҳасининг вазифаси эмас. Бу давлат, оила, мактаб, олийгоҳ ва бутун жамиятнинг келажак олдидаги муштарак бурчидир.

БОЛАЛИКНИ АСРАШ — МУҚАДДАС БУРЧ

Ўктамжон ОХУНОВ,
«Нуроний» жамғармасининг Андижон вилояти бўлими раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси:



— Президентимизнинг набирасига йўллаган мактубини ўқиб, кўнглимда жуда кўп хотиралар уйғонди. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг ўз болалиги ҳақидаги сўзлари қалбимга кучли таъсир қилди. Мактубда ёзнинг жазирамасида ғўза чопиш, қишнинг изғиринида пахта териш, мактаб йилларининг салмоқли қисмини далада ўтказиш билан боғлиқ хотиралар келтирилган. Бу сатрларни ўқиб, беихтиёр ўзимизнинг болалик йилларимиз, ўша даврдаги турмуш шароити, катталар ва болалар елкасига тушган машаққатлар кўз олдимдан ўтди.

Бугунги ёшлар бу ҳолатларни тасаввур қилиши қийин. Аммо катта авлод вакиллари яхши билади: ўша пайтларда кўплаб болалар ўқиш, китоб мутолааси, спорт ёки ўз қизиқишлари билан шуғулланиш ўрнига оғир меҳнатга жалб этиларди. Президентимизнинг ***“Бундай азобларни сизларга, халқимнинг барча фарзандларига асло-асло раво кўрмайман”*** деган сўзлари шу боис мени алоҳида тўлқинлантирди. Бу гапда улкан меҳр ва масъулият бор. Аслида, ҳар бир бобо-бувининг энг катта орзуси шу: набираларимиз биздан кўра бахтлироқ яшасин, биз эришолмаган илм ва марраларни забт этсин, болалиги қувонч, меҳр ва беғубор хотираларга бой бўлсин. Мактубдаги боболик туйғулари шу жиҳатдан ҳар бир нуронийнинг қалбига яқин.

Болалик — инсон умрининг энг нозик ва такрорланмас даври. Уни асраш деганда, фақат болани оғир меҳнатдан ҳимоя қилишни эмас, балки унинг ўқиш, дам олиш, ўйнаш, орзуларга берилиш, ўз қобилиятини намоён этиш ҳуқуқини таъминлашни ҳам тушунамиз. Бола ўзини хавфсиз ва қадрли ҳис қилиб улғайиши керак. Унинг фикри эшитилиши, қизиқишлари қўллаб-қувватланиши, қалбидаги эзгу интилишлар рағбатлантирилиши зарур.

Бугун болалар меҳнати билан боғлиқ ўтмишдаги тизимли муаммоларни бартараф этиш йўлида муҳим натижаларга эришилгани қувонарли. Аммо бу ютуқларни асраб-авайлаш, ҳар қандай мажбурлаш ва зўравонликнинг олдини олиш, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятнинг доимий вазифаси бўлиб қолади.

Шу ўринда нуронийларнинг масъулияти ҳақида ҳам алоҳида тўхталмоқчиман. Халқимизда “Қариси бор уйнинг париси бор” деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Бобо-бувилар оилада авлодларни боғлаб турувчи маънавий кўприкдир. Уларнинг ҳаётий тажрибаси, дуоси, ўгитлари, меҳри фарзандлар тарбиясида беқиёс аҳамиятга эга. Бироқ бугунги болаларга тарбия беришда фақат ўтмишдаги усулларга таяниб қолиш ҳам тўғри эмас. Замон ўзгарди, ёшларнинг қизиқишлари, дунёқараши, ахборот олиш имкониятлари кенгайди. Энди бобо-бувилар набираларига фақат насиҳат қилиш билан чекланмай, уларни тинглашни, саволларига сабр билан жавоб беришни, орзу-интилишларини тушунишни ҳам ўрганишлари керак.

Президентимиз мактубининг энг гўзал жиҳатларидан бири ҳам шунда: у боланинг саволига бефарқ қарамайди. Аксинча, шу саволни катта ва самимий мулоқот учун асосга айлантиради. Бу ҳар биримиз учун ибрат.

Бугун маҳаллаларда, оилаларда нуронийлар иштироки билан ёшлар тарбиясига қаратилган маънавий-маърифий ишларни янада жонлантиришимиз лозим. Айниқса, ота-она меҳри ва эътиборига муҳтож болаларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларни ёлғиз қолдирмаслик, ҳаётда тўғри йўл топишига кўмаклашиш муҳим. Авлодлар ворисийлиги фақат моддий мерос қолдириш эмас. Энг катта мерос фарзандларга меҳр, билим, одоб, эзгу қадриятлар ва бахтли яшаш имкониятини қолдиришдир. Биз, катта авлод вакиллари бу бурчни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

ДАВЛАТ СИЁСАТИ ЗАМИРИДА — ИНСОН БАХТИ

Рустам КАЛОНОВ,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси:



— Президентимизнинг набирасига йўллаган мактубини ўқир эканман, бир боланинг соддагина саволи мени чуқур ўйлантирди: “Нега Сиз доим узоқ сафарларга кетасиз?” Болаларнинг саволи ҳамиша самимий бўлади. Улар катталарнинг лавозими, зиммасидаги вазифалари ёки кундалик ташвишларини тўлиқ тасаввур қилмаслиги мумкин. Бола учун, энг муҳими яқин инсонининг ёнида бўлиши, меҳри ва эътиборини ҳис этишидир. Шу боис бу саволда бобосини соғинган набиранинг беғубор туйғулари мужассам. Президентимизнинг унга берган жавобида эса оилавий меҳр билан эл-юрт олдидаги бурчнинг нақадар чамбарчас боғлиқлиги очиб берилади.

Мактубни ўқиганда, давлатимиз раҳбарининг набираси билан гўё юзма-юз суҳбатлашаётганини ҳис қиласиз. У ўзининг узоқ сафарларини, давлат ишлари билан бандлигини болага тушунарли тилда изоҳлайди. Энг муҳими, бу фаолиятнинг замирида одамларнинг тинч ва фаровон яшаши, фарзандларимизнинг бахтли келажаги учун имкониятлар яратиш мақсади турганини англатади. Менимча, мактубнинг муҳим ижтимоий-сиёсий мазмуни ҳам айнан шу нуқтада намоён бўлади. Чунки давлат бошқарувининг асл мақсади фақат иқтисодий кўрсаткичларни ошириш, янги корхоналар қуриш ёки халқаро ҳамкорликни кенгайтириш билан чекланмайди. Бу саъй-ҳаракатларнинг натижаси, аввало, инсон ҳаётида, унинг фаровонлиги, ҳуқуқлари ва эртанги кунга ишончида акс этиши керак. Шу маънода, Президентимизнинг набирасига берган жавобини давлат хизмати моҳияти ҳақидаги ўзига хос ҳаётий сабоқ, деб қабул қилдим.

Мактубдаги ***“Халқим тунда осуда ухлаши учун ҳам мен ҳар доим бедор бўлмоғим керак”*** деган сўзлар, айниқса, таъсирчан. Бу жумлаларда давлатимиз раҳбарининг ўз бурчига муносабати акс этган. Айни пайтда улар ҳар қандай масъул лавозимда ишлаётган инсонни ҳам ўйлантириши керак. Ахир халқ ишончини қозониш одамларнинг муаммосини эшитиш, уларнинг ташвишига шерик бўлиш, ҳаётини яхшилаш учун амалий натижа кўрсатиш билан белгиланади.

Халқ вакиллари сифатида биз ҳам бу ҳақиқатни доимо ёдда тутишимиз зарур. Айниқса, болаларнинг таълим олиши, соғлом улғайиши, хавфсиз муҳитда яшаши, иқтидорини намоён қилиши учун яратилаётган шароитларнинг амалда қандай ишлаётгани жамоатчилик вакилларининг доимий эътиборида бўлиши керак. Янги мактаб қурилгани, албатта, қувонарли. Аммо ундаги таълим сифати қандай? Болалар учун очилган тўгараклар ҳақиқатан уларнинг қизиқишларига жавоб берадими? Ногиронлиги бўлган болаларнинг билим олиши ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиши учун зарур шароитлар мавжудми? Ота-оналарнинг мурожаатлари ўз вақтида ҳал қилиняптими? Бундай саволлар давлат ва жамият олдида турган вазифаларни аниқроқ кўришга ёрдам беради.

Президентимизнинг мактуби давлат сиёсати инсон қалбига, унинг орзу-умидларига яқин бўлгандагина ўзининг ҳақиқий мазмунини намоён этишини яна бир бор англатади. Ростдан ҳам, фарзандларимиз бахти учун фақат эзгу ният билдириш етарли эмас. Бу ниятни аниқ қарорлар, амалий ташаббуслар ва масъулиятли меҳнат билан мустаҳкамлашимиз керак.

САМИМИЯТГА ЙЎҒРИЛГАН ДИЛ СЎЗЛАРИ

Севара УБАЙДУЛЛАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:



— Инсон қалбидан чиққан самимий сўз баъзан энг баланд минбарларда айтилган нутқлардан ҳам кучлироқ таъсир қилади. Давлатимиз раҳбарининг суюкли набирасига йўллаган мактуби ҳам ҳаётий тажриба, самимият ва теран маъно мужассам бўлган ана шундай дил сўзи, десак, айни ҳақиқат.

Мактубда Президентимиз ўз дилбандига узоқ сафарларга нима учун кўп чиқиши ҳақида жавоб берар экан, бу бутун халқ тақдири билан боғлиқлигини айтади. ***“Мен нафақат сенинг, балки сенга ўхшаган миллионлаб Ўзбекистон фарзандларининг келажаги ҳақида ҳам ўйлашим, қайғуришим керак”***, деган фикрда давлатимиз раҳбарининг халққа меҳри ва садоқати, зиммасидаги улкан масъулияти ифодаланган.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз етакчисининг ҳар бир ташрифи, ҳар бир учрашуви ва музокараси ортида мамлакат манфаатлари, халқ фаровонлиги, юртдошларимизнинг тинч ва осуда ҳаёт кечириши, фарзандларимизнинг муносиб таълим-тарбия олиши, ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён этиши учун янги имкониятлар яратиш мақсади турибди.

Шу ўринда бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Президентимизнинг хорижий давлатларга ташрифлари фақат дипломатик алоқаларни мустаҳкамлаш ёки иқтисодий келишувларга эришиш билан чекланмайди. Уларнинг стратегик мазмуни мамлакатимиз учун янги инвестициялар, замонавий технологиялар, таълим ҳамда илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик, янги иш ўринлари ва аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган имкониятларни яратишга қаратилади.

Мактуб орқали юртимизда инсон қадри ва болалар келажаги давлат сиёсатининг марказида турганини яна бир бор теран англаймиз. Замонавий боғча ва мактаблар қуриш, таълим сифатини ошириш, малакали педагоглар тайёрлаш, ёшларнинг халқаро миқёсда рақобатбардош билим ҳамда кўникмаларга эга бўлиши учун имкониятларни кенгайтириш — буларнинг барчаси келажак авлодга қаратилаётган эътиборнинг амалий ифодаси, десак, муболаға бўлмайди.

Бугун ўзбек ёшларининг халқаро фан олимпиадаларида ғолиб бўлаётгани, нуфузли хорижий университетларда таҳсил олаётгани, илм-фан, технология ва спорт соҳаларида юксак натижаларга эришаётгани ушбу эътиборнинг дастлабки самараларидир. Ҳар бир боланинг иқтидорини ўз вақтида аниқлаш, уни қўллаб-қувватлаш, билим олиши ва касб эгаллаши учун тенг имкониятлар яратиш олдимизда турган муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади.

Президентимизнинг суюкли набирасига, шу орқали барча ёшларимизга йўллаган мактубидан энг муҳим хулоса ҳам шу: мамлакат тақдири, халқ фаровонлиги ва ҳар бир фарзандниг келажаги — бир-бири билан чамбарчас боғлиқ тушунчалар. Бугунги меҳнат ҳамда ислоҳотлар айнан шу буюк мақсадга хизмат қилаверади.

БИЗ УЧУН ТАЙЁР ДАСТУР

Сайёра САМАНДАРОВА,
Республика «Маърифат» тарғиботчилар жамияти аъзоси, шоира, «Шуҳрат» медали соҳиби:



— Шу кунларда мамлакат зиёлилари миллий юксалиш йўлида бирлашиб, бу хусусда қизғин баҳс-мунозараларга киришган, ишни нимадан бошлашимиз керак деган саволга жавоб излаётган бир паллада давлатимиз раҳбарининг Иорданияга сафари чоғида парвозда ўз набирасига йўллаган мактуби оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди.

Мен бу мактубни ўқиб, беихтиёр “Манаку биз учун тайёр дастур” деб юбордим. Мазкур мактуб бобонинг ўз набирасига йўллаган шунчаки дил сўзлари эмас, давлат раҳбарининг миллат болаларига битилган хитобномасидир. Йўқ, бугина эмас. У барча бобо-бувиларнинг, ота-оналарнинг ўз фарзандларига айтар сўзи бўлиб дунёга келди.

Мактуб ўзбек халқининг фарзандига меҳр-муҳаббатини шундай ёркин намоён этганки, уни ўқиган одам бу сўзлар худди ўзининг қалбидан отилиб чиқаётгандай ҳис қилади. “Кўзимнинг оқу қораси”, “нуридийдам”, “дилбандим”, “паҳлавон болам”, “бек ўғлим”... Айтинг-чи, бу сўзларнинг қайси бири биз учун нотаниш ёки кўнглимиздан жой олмаган? Ўзбек ўз боласини худди шундай суяди, шундай алқайди!

Елкасида юртнинг ташвишини кўтариб яшаётган, ўтмишини улуғлаб, бугунини яратиб, эртасига қайғураётган мамлакат раҳбарининг дил сўзларида бугун фарзандлар тарбиясида эътибор қаратишимиз лозим бўлган жиҳатлар бўй кўрсатди. Ҳар бир зиёли ушбу мактубни ўз фарзандларига, набираларига ўқиб бериши керак. Маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида элюрт тақдирига ўзини дахлдор деб билган ҳар бир инсон уни мутолаа қилиши зарур. Негаки, номанинг ҳар сатри қалбимиз билан ҳамоҳанг. Мен мактубни кечанинг ўзида фарзандларимга, набираларимга ўқиб бердим.

Бугун миллий ўзлик масаласи долзарб мавзуга айланган бир пайтда илмли бўлиш, Ватанга садоқат билан хизмат қилиш, вақтнинг қадрига етиш ҳақида куюнчаклик билан битилган ушбу мактуб келажак авлодларга ҳам Ўзбекистон раҳбарининг армонлари, орзулари, янги давлат қуриш йўлидаги заҳматли меҳнати акс этган қалб дафтари ўлароқ мерос бўлиб қолади. Бугун биз жадид боболаримизнинг ўгитларидан қандай баҳраманд бўлсак, биздан кейинги авлодлар ҳам бу мактубни, ундаги насиҳатларни ўзликни англаш йўлидаги манба сифатида юксак қадрлайдилар. Бунга асло шубҳам йўқ.

ФАРЗАНД ҚАЛБИГА ЙЎЛ

Гулчеҳра ИБРОҲИМОВА,
Бўка туманидаги 3-умумтаълим мактаби ўқитувчиси:



— Баъзан биз, катталар кундалик юмушлар, тирикчилик ташвишлари, иш билан банд бўлиб, фарзандларимизнинг саволларига етарлича вақт ажратмаймиз. Уларнинг қизиқишларини майда-чуйда деб ўйлаймиз, кечинмаларини жиддий қабул қилмаймиз. Ҳолбуки, боланинг оддий саволи ортида катта бир эҳтиёж — меҳр, эътибор ва тушунишга интилиш яширинган бўлиши мумкин. Президентимизнинг мактуби менга ана шу ҳақиқатни яна бир бор эслатди.

Фарзанд тарбияси, аввало, уни тинглашдан бошланади. Бола ўз фикрини эркин айтадиган, саволига самимий жавоб оладиган, хатосидан қўрқмайдиган оилада улғайса, унда ишонч, мустақиллик ва масъулият ҳисси мустаҳкамланади. Бугун биз фарзандларимизга яхши кийим, замонавий телефон, турли қулайликлар яратиб беришга ҳаракат қиламиз. Албатта, булар ҳам керак. Аммо моддий имкониятлар ота-она меҳри ва самимий мулоқотнинг ўрнини боса олмайди.

Бугун ахборот оқими кучайган, ижтимоий тармоқлар болаларнинг қизиқишлари ва дунёқарашига таъсир кўрсатаётган бир шароитда бу масала янада долзарблашмоқда. Фарзандни замонавий технологиялардан бутунлай узоқлаштириш ҳам, уни назоратсиз ахборот муҳитига ташлаб қўйиш ҳам тўғри эмас. Энг мақбул йўл — унга ахборотни танлаш, таҳлил қилиш, фойдали билимни зарарли таъсирдан ажрата билишни ўргатиш. Бу эса ишончли ва доимий мулоқотни талаб этади.

Фарзанд тарбияси фақат оила деворлари ичида кечадиган жараён эмас. Бола мактабда устозидан, маҳаллада қўни-қўшнисидан, жамиятда катталарнинг хатти-ҳаракатидан, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлардаги хабарлардан ҳам таъсирланади. Демак, ҳар биримиз болалар олдида муайян маънавий масъулиятга эгамиз.

Президентимизнинг мактубида мен учта муҳим тушунчанинг уйғунлигини кўрдим: меҳр, ишонч ва масъулият. Уни ўқиб, ўзимга бир савол бердим: биз фарзандларимизга қандай келажак қолдирмоқчимиз? Менимча, бу саволнинг жавоби бугун уларга қанча вақт ажратаётганимизда, қандай меҳр кўрсатаётганимизда, қандай тарбия бераётганимизда ва қандай ибрат бўлаётганимизда намоён бўлади. Зотан, фарзандларимизнинг бахтли келажаги айнан бугун — оиладаги меҳрли сўз, мактабдаги фидойи меҳнат, маҳалладаги эътибор ва жамиятдаги масъулиятдан бошланади.

2027-2028 йилларда Тошкент метрополитени учун 28 та беш вагонли замонавий ҳаракат таркибини харид қилиш режалаштирилган. Шунингдек, мавжуд 40 та поездга қўшимча вагонлар қўшилиб, уларнинг ҳар бири беш вагонли таркибга айлантирилади.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 25 ноябрь

ЮРТ РАВНАҚИ ВА ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИНГ МУСТАҲКАМ КАФОЛАТИ



1 Шу билан бирга, сувни тежайдиган суғориш технологияларини ўрнатиш, уларнинг сифатли ишлашини таъминлаш билан боғлиқ шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш, маҳсулот етиштирувчиларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятларини кенгайтириш зарурати юзага келмоқда.

Қонун лойиҳаси билан “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунга қўшимча киритилмоқда. Унга кўра, Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари сувни тежайдиган суғориш технологияларини ўрнатиш, уларнинг сифатига кафолат бериш ва сервис хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ шартнома мажбуриятлари маҳаллий ва хорижий пудрат ташкилотлари томонидан бажарилмаганлиги юзасидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг манфаатларини кўзлаб иқтисодий судларга қилган даъволари бўйича давлат божини тўлашдан озод этилиши белгиланмоқда.

Равшан МАМУТОВ,
Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси:



— Ушбу қонун лойиҳаси бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга бўлиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этишни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Хорижий давлатларнинг ҳарбий тузилмаларида хизмат қилиш учун жавобгарлик такомиллаштирилмоқда

“Тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши айрим тоифадаги жиноятлар учун жавобгарлик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда айрим хорижий давлатлардаги қуролли можароларга фуқароларни жалб қилиш ҳолатлари кузатилаётгани ушбу йўналишдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш заруратини юзага келтирмоқда.

Шу сабабли, мазкур қонун лойиҳаси фуқароларнинг хорижий давлатлар ҳудудидаги қуролли тўқнашувларда иштирок этишининг олдини олиш, уларни турли ҳарбий тузилмаларга жалб қилиш билан боғлиқ хавф-хатарларни камайтириш ҳамда тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар учун жавобгарликни такомиллаштиришга қаратилган.

Қонун лойиҳаси билан Жиноят кодексининг 154[1]-моддасига ўзгартиришлар киритилиб, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет давлатларнинг ҳарбий хизмати, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шунга ўхшаш бошқа органларига хизматга кириши ёхуд ушбу органларга хизматга ёлланганлик учун жиноий жавобгарлик такомиллаштирилмоқда. Шунингдек, хорижий давлатлар ҳудудидаги қуролли тўқнашувларда иштирок этиш билан боғлиқ жиноий қилмишлар учун жавобгарлик нормалари аниқлаштирилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фуқароларимизнинг хориждаги қуролли можароларга жалб этилишининг олдини олиш, миллий хавфсизликни таъминлаш, шунингдек, тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши қаратилган жиноятларга қарши курашишнинг ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Мактабга тайёрлов бўйича таълим сифати янги босқичга олиб чиқилади

Депутатлар мактабгача ва мактаб таълими тизими интеграциясини таъминлашга қаратилган қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқди.

Мамлакатимизда боғча ва тарбия тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш, инновацион мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш, нодавлат ўқув муассасалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда соҳада таълим сифатини яхшилаш ва қамровини кенгайтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, “Таълим тўғрисида”ги ҳамда “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги қонунларга мувофиқ, 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш мақсадида мажбурий бир йиллик мактабгача таълим тизими жорий этилган. Ҳозирда болаларни унга тўлиқ қамраб олиш борасида ишлар жадал олиб борилмоқда.

Ушбу ҳужжат бир йиллик мактабга тайёрловни мажбурий умумий ўрта таълимнинг дастлабки босқичи сифатида белгилашни назарда тутади. Бу орқали таълим тизимини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш мақсад қилинган.

Қонун лойиҳаси билан “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги ҳамда “Таълим тўғрисида”ги қонунларга мактабга бир йиллик мажбурий тайёрловни умумий ўрта таълим тизимига киритиш, уни боғча ва умумий ўрта таълим муассасаларида ташкил этиш, болаларнинг мазкур тайёрловдан ўтиш ҳуқуқини кафолатлашга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Сайёра ИМОМОВА,
Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси аъзоси:



— Қайд этиш жоизки, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши боғча ва мактаб таълими ўртасидаги узвийликни таъминлаш, болаларни мактабга тайёрлаш сифатини яхшилаш ва уларнинг билим олиш ҳуқуқларини кафолатлаш, Ўзбекистон таълим тизимининг халқаро даражадаги мавқеини ошириш ҳамда фуқароларга хорижий давлатдаги ўқиш фаолияти учун қулай шароит яратишга хизмат қилади.

Муҳокама якунида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Божхона маъмуриятчилиги ва ташқи савдо: тартиб-таомиллар янада соддалаштирилади

Мажлисда “Божхона маъмуриятчилиги ва ташқи савдо тартиботлари янада соддалаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Ушбу ҳужжат ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш, тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш, божхона расмийлаштируви жараёнларини соддалаштириш, соҳада замонавий рақамли технологиялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган.

Қонун лойиҳаси билан Божхона кодексида чет эл автотранспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва олиб чиқиш тартиби такомиллаштирилиб, уларнинг мамлакатимиз ҳудудида бўлиш муддати 90 кундан 180 кунгача узайтирилмоқда, божхона тўловларини кечиктириб тўлаш муддати 60 кундан 120 кунга оширилмоқда.

Шунингдек, божхона тўловларини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлашда ҳисобланадиган фоизларни Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасига тенглаштириш, тадбиркорлик субъектлари учун бош таъминот суммаларини камайтириш механизмлари қўлланилади. Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор этиш тартиб-таомиллари доирасида аризалар ҳамда уларга илова ҳужжатларини “Ягона дарча” божхона ахборот тизими орқали қабул қилиш имкониятлари кенгайтириляпти.

Мазкур қонун лойиҳасининг амалиётга татбиқи ташқи савдо операцияларида ортиқча маъмурий тартиб-таомилларни қисқартириш, тадбиркорларнинг молиявий юкини енгиллаштириш, божхона хизматлари шаффофлиги ва тезкорлигини ошириш ҳамда мамлакатимизнинг инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Фуқаро авиацияси хавфсизлиги таъминланади

“Халқаро фуқаро авиациясига нисбатан қонунга хилоф тарздаги хатти-ҳаракатларга қарши курашиш тўғрисидаги Конвенцияга (Пекин, 2010 йил 10 сентябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Мазкур Конвенция фуқаро авиацияси хавфсизлигига таҳдид солувчи ноқонуний ҳаракатларнинг олдини олиш, терроризмга қарши курашиш ва бу борада давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган. Хусусан, Конвенция ҳаво кемаларини йўқ қилиш, улардан қурол сифатида фойдаланиш, хавфли материалларни қонунга хилоф равишда ташиш, аэропортлар ва аэронавигация воситаларига тажовуз каби жиноятларга қарши курашишнинг халқаро ҳуқуқий асосларини белгилайди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда фуқаро авиациясини ривожлантириш, аэропортларни модернизация қилиш, янги авиакомпаниялар фаолиятини йўлга қўйиш ва ҳаво ташувлари бозорида рақобат муҳитини кенгайтириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Халқаро авиақатновлар кўлами ортиб бораётган бир шароитда авиация хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи назардан, Конвенцияга қўшилиш миллий қонунчиликни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, авиация соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш ҳамда уларга қарши курашишда халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилади.

Умид ЯКУБХОДЖАЕВ,
Халқаро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси:



— Мазкур халқаро ҳужжат қоидаларининг амалга оширилиши Ўзбекистоннинг Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО) доирасидаги баҳолаш кўрсаткичларини яхшилаш, халқаро авиация ҳамжамиятидаги нуфузини ошириш учун қўшимча имкониятлар яратади. Бу эса миллий ҳаво ташувчиларнинг рақобатбардошлигини кучайтириш, янги халқаро йўналишларни очиш ва ҳаво қатновлари географиясини кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Мажлисда қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатимизда хавфсиз ва барқарор фуқаро авиациясини тизимини ривожлантиришга йўл очиши қайд этилди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилиниб, Сенатга юборилди.

Ҳаво кемаларини ноқонуний эгаллаб олишга қарши кураш кучайтирилади

Мажлисда “Ҳаво кемаларининг қонунга хилоф тарзда босиб олинишига қарши курашиш тўғрисидаги Конвенцияни тўлдирувчи Баённомага (Пекин, 2010 йил 10 сентябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Мазкур Баённома 1970 йилги Гаага конвенциясини бугунги кун талабларига мослаштиришга қаратилган. У ҳаво кемаларини қонунга хилоф равишда эгаллаб олишга қарши курашишнинг халқаро ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиради. Хусусан, Баённома ҳаво кемаларини куч ишлатиш ёки таҳдид қилиш билан бир қаторда, мажбурлаш, қўрқитиш ёхуд замонавий техник воситалардан фойдаланиш орқали эгаллаб олиш ҳолатларини қамраб олади. Шунингдек, бундай жиноятларни ташкил этиш, уларда қатнашиш ва уларга кўмаклашиш учун жавобгарликни таъминлашга оид қоидаларни белгилайди.

Мажлисда қайд этилганидек, мамлакатимизда авиақатновлар географиясини кенгайтириш, янги ҳаво ташувчиларни жалб этиш, аэропортларнинг транзит салоҳиятини кўтариш ва авиация хизматлари бозорини либераллаштириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳаво транспорти хавфсизлигини таъминлашга янада юқори талаблар қўймоқда.

Бундай шароитда Баённомага қўшилиш ҳаво кемалари, йўловчилар ва экипаж аъзолари хавфсизлигини таъминлаш, авиация соҳасидаги трансчегаравий жиноятларга қарши курашиш ҳамда хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан ҳуқуқий ҳамкорликни кучайтириш имконини беради. Айни пайтда халқаро авиация хавфсизлиги стандартларининг изчил жорий этилиши Ўзбекистоннинг соҳадаги халқаро баҳолаш ва рейтинглардаги мавқеини яхшилаш, хорижий ҳамкорлар ишончини мустаҳкамлашга замин яратади.

Мажлисда қонун лойиҳасининг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг халқаро авиация хавфсизлиги тизимидаги иштирокини мустаҳкамлаш ҳамда ҳаво ташувларининг барқарор ривожланишини таъминлашга ҳисса қўшиши таъкидланди.

Муҳокама якунида қонун лойиҳаси қабул қилиниб, Сенатга юборилди.

Ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар бермаганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда

“Ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ҳақида хабар бермаганлик учун жавобгарлик чоралари белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу ҳужжат ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларнинг олдини олиш, давлат органлари ва ташкилотларининг бу борадаги масъулиятини кучайтириш, шунингдек, фуқаролар, айниқса, хотин-қизлар ва вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга янги 188[5]-модда киритилиб, ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ҳақида хабар бериш мажбурияти юклатилган давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳамда ходимлари томонидан ички ишлар органлари ва “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларига қонунчиликда белгиланган тартибда хабар бериш талабларини бузганлик учун жарима жазоси белгилаш назарда тутилмоқда.

Сайдулло АЗИМОВ,
Халқаро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари:



— Таъкидлаш жоизки, амалиётда айрим ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисида ваколатли органларга ўз вақтида хабар берилмаслиги уларни аниқлаш ва тегишли ҳуқуқий чоралар кўришга салбий таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, 2025 йилда 536 та эрта туғуруқ ҳолати тегишли органлар томонидан “Е-материал” ахборот тизимида рўйхатга олинмаган ҳамда улар юзасидан терговга қадар текширув ҳаракатлари ўтказилмаган. Ушбу қонун лойиҳаси бугунги кунда муҳим бўлиб, унинг қабул қилиниши ҳуқуқбузарлик ҳолатларини яширишнинг олдини олиш, масъул шахсларнинг жавобгарлигини ошириш, ҳуқуқбузарликларга нисбатан ўз вақтида таъсирчан чоралар кўриш, хотин-қизлар, болаларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоялашнинг ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Муҳокама якунида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Маъмурий судларнинг ваколатлари кенгайтирилмоқда

Мажлисда “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексини тасдиқлаш ҳақида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, маъмурий судлар давлат органлари фаолияти устидан суд назоратини амалга ошириш ва фуқаролар ҳамда тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутади.

Қонун лойиҳаси билан фуқаро ва тадбиркорлар учун судга мурожаат анча енгиллаштирилмоқда. Хусусан, аризадаги формал камчиликлар учун ариза қайтарилмайди, аксинча, суд аризачига камчиликларни бартараф этиш ва ариза талабини тўғри шакллантиришда кўмаклашади. Агар ариза янглишиб бошқа ҳудуддаги судга топширилса, суд уни қайтармасдан, “ягона дарча” тамойили асосида тегишли судга ўзи ўтказади.

Шунингдек, фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳақлиги презумпцияси кенгайтирилмоқда. Яъни давлат органи қабул қилган қарори қонуний ва асосли эканлигини, қўлланилган жарима ёки бошқа чора қилмишга мутаносиб эканлигини ўзи исботлаши шарт бўлади. Суд эса ишни фақат расмий жиҳатдан эмас, балки қўлланган чора қонунда кўзланган мақсадга мос ва етарли эканлиги нуқтаи назаридан ҳам текширади. Бундан ташқари, бузилган ҳуқуқни тезкор тиклаш учун 4 турдаги даъво институти жорий этилиб, уларни беришнинг аниқ муддатлари белгиланмоқда. Маъмурий орган қарори билан бир гуруҳ шахслар ҳуқуқлари бузилган ҳолларда 20 нафар ва ундан ортиқ шахслар биргаликда жамоавий даъво бериши мумкин бўлади. Савдо-саноат палатасига эса, гарчи у биринчи инстанция судида иштирок этмаган тақдирда ҳам, тадбиркор манфаатида суд қарори устидан юқори инстанцияга тўғридан-тўғри шикоят киритиш ҳуқуқи берилмоқда.

Қонун лойиҳасида давлат органларида қонунийликни таъминлаш мақсадида суд мансабдор шахслар фаолиятида коррупция аломатларини аниқласа, материалларни ваколатли органларга юбориши белгиланмоқда. Суд қарорлари ижроси учун масъулият ҳам кучайтирилмоқда. Мансабдор шахсга жарима қўлланилганидан кейин ҳам қарор такроран ижро этилмаса, судга жиноят иши қўзғатиш учун прокурорга хабар бериш ваколати берилмоқда.

Маъмурий судларнинг ваколатлари ҳам кенгайтирилмоқда. Энди фуқаро ва тадбиркорлар ҳокимликларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари устидан ҳам маъмурий судга шикоят қилиши мумкин бўлади. Бундай шикоятлар вилоят даражасидаги судларда судьялар ҳайъати томонидан прокурор иштирокида кўрилади.

Шаҳноза ЖОЛДАСОВА,
Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси:



— Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида судга мурожаат этишга оид конституциявий кафолатлар янада аниқлаштирилди. Жумладан, давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи лойиҳада алоҳида мустаҳкамланди. Судга даъво аризасини киритишда даъво муддати билан боғлиқ чекловлар эса депутатлар томонидан чиқариб ташланди.

Қайд этиш жоизки, мазкур нормалар фуқаро ва тадбиркорлар ҳуқуқларининг самарали суд ҳимоясини таъминлаш, ортиқча бюрократия ва оворагарчиликларни камайтириш, давлат органлари фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда аҳолининг маъмурий судларга ишончини янада оширишга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси юзасидан бир қатор аниқлаштирувчи саволлар ўртага ташланди. Қонун ташаббускорлари, лойиҳага масъул депутатлар кўтарилган барча саволларга атрофлича тушунтириш бериб ўтди.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

«Халқ сўзи».

«Uzbekistan Airways» акциядорлик жамияти олтинчи «Airbus A321neo» самолётини қабул қилиб олди. Ҳаво кемаси 172 та йўловчи ўрнига эга бўлиб, «бизнес-класс»да 16 та, «иқтисод-класс»да 156 та ўрин мавжуд.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1142. 17 559 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегматов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Р. Бобожонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.55 Топширилди — 01.35 1 2 3 4 5 6